

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ УВЕЛИЧЕНИЮ ОБЪЕМОВ
ВЫРАЩИВАНИЯ ДЫНИ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

г. Ташкент,

12 февраля 2019 г.,

№ 114

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚОВУН ЕТИШТИРИШ ҲАЖМЛАРИНИ ЯНАДА
КҮПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 30 ноябрь куни Халқ депутатлари вилоят кенгашининг наубатдан ташқари сессияси йигилиши баёни ижроси, шунингдек, Хоразм вилоятида қовун етиштирувчи хўжаликларни ташкил этиш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш, инновацион технологиялар асосида қовунни очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда етиштириш, уни қайта ишлашни комплекс ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган:

Хоразм вилоятида 2019-2020 йилларда қовун маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури [1-илювага](#) мувофиқ;

Хоразм вилоятида хатлов натижасига кўра аниқланган, фойдаланилмаётган ерларда экспортбоп қовун маҳсулотларини очиқ усулда 2019-2020 йилларда босқичмабосқич етиштиришнинг прогноз [2-илювага](#) мувофиқ;

Хоразм вилояти туманларида 2019-2020 йилларда қовун экиш учун иссиқхоналар ташкил этишнинг прогноз [3-илювага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

2. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда вилоятдаги захира ерлар хисобидан қовун етиштиришни босқичмабосқич кўпайтириб бориш учун зарур ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда қовуннинг очиқ майдонлар ва иссиқхоналар учун мўлжалланган экспортбоп навлари уруғларини етарли микдорда етиштиришни таъминласинлар;

«Ўзагроэкспорт» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда дунёдаги асосий истеъмолчи давлатларнинг қовун маҳсулотларини тур ва навлари бўйича импорт қилиш ҳажмларини ўрганиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринbosари Э.М. Ганиев, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Ф.У. Эрманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 февраль,
114-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 февралдаги 114-сон карорига
1-ИЛОВА

**Хоразм вилоятида 2019-2020 йилларда қовун маҳсулотларини етиштириш, қайта
ишлаш ва экспорт ҳажмларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар**

ДАСТУРИ

Т/ р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажари ш муддати	Масъул ижрочилар
1.	Хоразм вилоятида тупроқ- иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳудудларни қовун етиштиришга босқичма-босқич иҳтисослаштириш.	1. Ҳудудларни иҳтисослаштириш бўйича Ишчи гурӯҳ тузиш. 2. Ишчи гурӯҳ томонидан ҳар бир ҳудуднинг тупроқ- иқлим шароитини инобатга олган ҳолда иҳтисослаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. 3. Ҳар бир туманда қовун маҳсулотларининг экспортбоп ва қайта ишлашга мос нав ва дурагайларини танлаб олиш. 4. Ҳудудлар иҳтисослашувидан келиб чиқиб,	2019 йил февраль 2019 йил март 2019- 2020 йиллар	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси

		экинларни жойлаштиришда алмашлаб экиш тизимини жорий этиш.		
2.	Кишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётгани ва иқтисодий самара бермаётган, қишлоқ хўжалигига яроқсиз ҳамда балл бонитети паст ер майдонларида қовун этиширишга ихтисослашган иссиқхоналарни босқичма-босқич ташкил этиш.	<p>1. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ва иқтисодий самара бермаётган, қишлоқ хўжалигига яроқсиз ҳамда балл бонитети паст ер майдонларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ва иқтисодий самара бермаётган, қишлоқ хўжалигига яроқсиз ҳамда балл бонитети паст ер майдонларда иссиқхоналарни ташкил этиш бўйича ташаббускорларни аниқлаш.</p> <p>3. Иссиқхоналар курадиган субъектларга ҳалқаро молия институтларининг ресурсларини жалб этиш ва тижорат банклари кредитларини ажратиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Қовун этиширишга ихтисослашган</p>	<p>2019 йил март</p> <p>2019 йил март</p> <p>2019 йил апрель</p> <p>2019 йил апрель</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги

		<p>иссиқхоналарни куриш ишларини амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>5. Тармоқ жадвалларига асосан иссиқхоналарни куриш бўйича мониторинг юритиш ишларини ташкил этиш.</p>		
3.	Хоразм вилоятида очик майдонларда ва иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган экспортбоп қовун навлари уруғларини босқичма-босқич кўпайтириш.	<p>1. Вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, очик майдонларда ҳамда иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган экспортбоп қовун навлари уруғларини босқичма-босқич кўпайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p>2. Очик майдонларда ва иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган экспортбоп қовун навлари уруғларини кўпайтириш борасида илмий асосланган агротехник</p>	<p>2019 йил февраль</p> <p>2019 йил март</p> <p>2019 йил март</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги</p>

		<p>тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Вилоятда қовун маҳсулотларини етиштириш мақсадида қовун уруғларини кўпайтиришнинг 5 йиллик схемасини ишлаб чиқиши.</p> <p>4. Уруғчиликка ихтинослашган фермер хўжаликлари кесимида қовун уруғларини кўпайтириш тадбирларини бажариш.</p>		
4.	<p>Очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда қовун маҳсулотларини етиштиришда учрайдиган «қовун пашаси» зараркунандасини аниқлаш, унга қарши курашиш ҳамда қовун экилган майдонларда фитосанитар тозаликни таъминлаш.</p>	<p>1. Очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда қовун маҳсулотларини етиштиришда учрайдиган касаллик ва зараркунандаларга (қовун пашаси) қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Касаллик ва зараркунандаларга (қовун пашаси) қарши курашиш учун зарур кимёвий препаратлар миқдорини аниқлаш ва захирасини яратиш.</p>	<p>2019 йил март</p> <p>2019 йил апрель</p> <p>2019 йил май — сентябрь</p>	<p>«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Фанлар академияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги</p>

		<p>3. Қовун касаллик ва зааркунандаларини (қовун пашаси) аниқлаш бўйича прогноз тадбирларини амалга ошириш, тутқичлар қўйиш ва зарур қарши курашиш ишларини бажариш.</p> <p>4. Ҳашорат ва касалликларга (қовун пашаси) қарши курашиш бўйича маҳсус ўқув-семинарлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>		
5.	Очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда экспортбоп қовун навларини яратиш селекцияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш.	<p>1. Экспортбоп, ҳосилдор, сифат кўрсаткичлари юкори, транспортбоп, касалликларга чидамли бўлган қовун навларини яратиш бўйича илмий-техник дастурлар доирасида бажариладиган лойиҳаларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда топшириш.</p> <p>2. Илмий-техник лойиҳаларни</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил октябрь</p> <p>2019 йил декабрь</p>	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси

		экспертизадан үтказиш. 3. Экспертизадан үтказилган лойиҳаларни молиялаштириш.		
6.	Очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда қовунни экиш, қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғишириш ва ташиш бўйича талаб этиладиган қишлоқ хўжалиги махсус техниклари ва агрегатлар билин таъминлаш.	1. Очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда қовун етишириш учун талаб етиладиган ва етишимайдиган қишлоқ хўжалиги техниклари ва агрегатлар турларини ўрганиш ва уларнинг ажратилишини таъминлаш. 2. Қовунчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини техниклар билан лизинг асосида босқичма-босқич таъминлаш бўйича чораларни кўриш.	2019- 2020 йиллар 2019- 2020 йиллар	«Ўзагротехсаноатхолдинг » АЖ, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Фанлар академияси Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Ўзагролизинг» АЖ
7.	Хоразм вилоятида очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда қовун етиширишга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини уларнинг ўз ва бўнак маблағлари ҳисобидан минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш	1. Очиқ майдонларда ва иссиқхоналарда қовун етиширишга ихтисослашган фермер хўжаликларига минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш.	2019- 2020 йиллар	«Ўзнефтмаҳсулот» АЖ, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, Хоразм вилояти ҳокимлиги

	материаллари билан таъминлаш.	2. Қовун етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари уларнинг ўз ва бўнак маблағлари ҳисобидан етказиб берилишига кўмаклашиш.		
8.	Тузилган контрактация шартномалари асосида қовун экинларини фермер хўжаликлари кесимида жойлаштириш ва экилишини таъминлаш.	1. Қовун етиштирувчи фермер хўжаликлари ва тайёрловчи, қайта ишловчи ҳамда экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасида контрактация шартномалари тузиш. 2. Тузилган контрактация шартномаларини рўйхатдан ўтказиш. 3. Тузилган контрактация шартномалари асосида қовун экинларини фермер хўжаликлари кесимида жойлаштириш. 4. Қовун экинларининг фермер хўжаликлари кесимида	2019 йил 25 марта 2019 йил 1 апрель 2019 йил май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги

		экилишини таъминлаш.		
9.	Қовун маҳсулотини экспорт ҳажмларини ошириш.	<p>1. Дунёдаги асосий истеъмолчи давлатларнинг қовун маҳсулотларини тур ва навлари бўйича импорт қилиш ҳажмларини ўрганиш.</p> <p>2. Ушбу давлатларнинг талабларидан келиб чиқиб, экспорт шартномаларини тузиш.</p> <p>3. Қовун маҳсулотларини экспортга чиқариш.</p>	2019 йил 30 март ҳар мавсумда	Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Ўзагроэкспорт» АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 февралдаги 114-сон карорига
2-ИЛОВА

Хоразм вилоятида хатлов натижасига кўра аниқланган, фойдаланилмаётган ерларда экспортбоп қовун маҳсулотларини очиқ усулда 2019-2020 йилларда босқичма-босқич етиширишнинг

ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

T/p	Туманлар номи	2019-2020 йилларда				2019 йилда				Ялпи хосил, тн	Жами майдон, га		
		шу жумладан:		Ялпи хосил, тн	Жами майдон, га	шу жумладан:							
		асосий ва оралик майдон	фойдаланилмай турган майдон			асосий ва оралик майдон	фойдаланилмай турган майдон						
1.	Боғот	610	404	206	10 154	316	202	114	5 208	294			
2.	Гурлан	740	580	160	12 711	378	290	88	6 443	362			
3.	Кўшкўпир	1 090	448	643	17 290	579	224	356	9 113	511			
4.	Урганч	733	544	189	12 508	377	272	105	6 378	356			
5.	Хозарасп	1 243	482	762	19 617	661	241	421	10 360	582			
6.	Хонқа	525	416	109	8 969	268	208	60	4 536	257			
7.	Хива	477	288	189	7 768	249	144	105	4 008	228			

8.	Шовот	976	386	590	15 379	519	193	326	8 107	457
9.	Янгиарик	670	260	410	10 483	357	130	227	5 532	313
10.	Янгибозор	603	460	143	10 277	309	230	79	5 219	294
	Жами	7 667	4 268	3 401	125 156	4 013	2134	1 881	64 904	3 654

Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 12 февралдаги 114-сон карорига
3-ИЛОВА

**Хоразм вилояти туманларида 2019-2020 йилларда қовун экиш учун иссиқхоналар
ташкил этишнинг**

ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

T/p	Туманлар номи	Жами ташкил этиладиган майдон, га	шу жумладан:	
			2019 йил	2020 йил
1.	Боғот	30	18	12
2.	Гурлан	30	18	12
3.	Кўшкўпир	30	18	12
4.	Урганч	30	18	12
5.	Хозарасп	30	18	12
6.	Хонқа	30	18	12
7.	Хива	30	18	12
8.	Шовот	30	18	12
9.	Янгиарик	30	18	12
10.	Янгибозор	30	18	12
	Жами	300	180	120

(Конун ҳуҗжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.02.2019 й., 09/19/114/2602-сон)